

қувган.

Бу дунё ҳаёти яна

«...ўзаро фахрланиш, мол-мулкни ва бола-чақани кўпайтириш»дан иборатдир.

Одамлар ўз обрўлари, мансаблари, насаблари билан фахрланишга, мол-дунё ва бола-чақани кўпайтиришга урингани-уринган. Аслида эса бу нарсалар арзимас, эътиборсиз ашёлардир. Бу ҳақиқатни янада очиқроқ тушунтириш учун Қуръони Карим кўзимизга доимо кўриниб турган, лекин кўпларимиз эътибор бермайдиган ҳодисани мисол қилиб келтиради:

«У худди ўсимлиги деҳқонларни ажаблантирган ёмғирга ўхшайдир».

Яъни бу дунё ҳаёти шундай бир ёмғирга ўхшайдикки, у ёққанидан сўнг чиққан наботот деҳқонларни ҳайратга солади, завқлантиради. Аслида эса бу ҳол ўткинчидир.

«Кейинроқ қурийди ва сарғайганини кўрасан. Сўнгра у хас-чўпга айланиб кетадир».

Яъни ўсимликлар тезда қурийди. Ранги сарғаяди ва қуриб, қовжираб, уқаланиб кетади.

Ҳа, бу дунё ҳаёти ҳам шу каби алдамчидир. Шу билангина овуниб қолмаслик керак.

«Охиратда эса шиддатли азоб бор. Ва Аллоҳдан мағфират ва розилик бор».

Чунки охиратда кофирларга қаттиқ азоб, мўминларга эса Аллоҳ таолонинг мағфирати ва розилиги бор.

«Ва дунё ҳаёти алдов матоҳидан бошқа нарса эмас».

Албатта, бу гаплар тарки дунё қилишга, ҳамма нарсадан юз ўгиришга қақириқ эмас. Балки мезон ва ўлчовларни тўғри йўлга солишга, ўткинчи ҳойи-ҳавасдан устун бўлишга даъватдир.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди